

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

“ИПАК ЙЎЛИ” ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО
УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВ АБДУНАБИ РУСТАМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Тураев Абдунаби Рустамович

Ўзбекистонда ички ишлар ходимларининг интеллектуал маданиятини
юксалтириш омиллари.....5

Тураев Абдунаби Рустамович

Факторы повышения интеллектуальной культуры сотрудников
органов внутренних дел в Узбекистане.....23

Turaev Abdunabi Rustamovich

Factors for improving intellectual culture of police officers
in Uzbekistan.....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications46

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

“ИПАК ЙЎЛИ” ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО
УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВ АБДУНАБИ РУСТАМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fal491 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Ипак йўли” Туризм ва маданий мерос халқаро университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Негматова Шахзода Шухратовна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хажиева Мақсуда Султоновна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Тўйчиев Бердикул Тўракулович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “26” май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (131 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “11” май куни тарқатилди.
(2022 йил “11” май даги 6 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г. Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А. З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саломова Ҳ. Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг турли минтақаларида ҳукм сураётган нотинч вазиятлар, қуроли тўқнашувлар инсониятни доимо хушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда. Бундай шароитда уюшган трансмиллий жиноятчилик, терроризм ва экстремизм, наркобизнес, коррупция каби таҳдидларга қарши самарали курашишда ички ишлар органларининг фаолият самарадорлигини ошириш, тизимнинг интеллектуал бошқарув тизимига таъсир этиш механизмларини янгилаш зарурати ортиб бормоқда. Айниқса, ички ишлар органлари ходимларининг интеллектуал маданиятининг кўрсаткичлари, мезонлари, уни юксалтириш тизими ва ривожланиш динамикасининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фани, илмий тадқиқот марказлари ва соҳа мутахассислари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг интеллектуал маданиятини юксалтиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маданий аҳамияти, унинг маънавий, ахлоқий ва эстетик фазилатларини юксалтирувчи омилларига доир назарий умумлашма ва амалий тақлиф-тавсиялар бу фаолият амалиётига жорий этилмоқда. Шу нуқтаи назардан ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришнинг мезонларини ишлаб чиқиш, уни ривожлантиришнинг инновацион усул ва воситаларини аниқлаш, ички ва ташқи динамик тамойилларини яратиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ички ишлар тизимини комплекс ислоҳ қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, ички ишлар органлари ходимларининг профессионал салоҳиятни оширишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Айни пайтда, глобал дунёдаги шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазият соҳа фаолиятини замон талабларига мос равишда мутлақо янгича усулларда ташкил этишни тақозо этмоқда...Соҳага илғор тажрибалар ва иш усулларини, инновацион-рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ходимларнинг интеллектуал ва касбий салоҳияти, маънавий-маърифий савияси, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириш, уларнинг машаққатли ва фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш талаб этилади”¹. Айниқса, ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришда мантиқий тафаккурнинг ўрни ва ролини аниқлаш, фалсафий категориал асосларини очиб бериш, объектив ва субъектив қонуниятларининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини илмий асослаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикаси

¹ Мирзиёев Ш.М. Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимларига табриги. 24.10.2021 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/4719>

Президентининг 2021 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сон “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 83-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз илм-фан ривожининг янги босқичини бошлаб берган Шавкат Мирзиёев асарларидаги ички ишлар ходимларининг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал маданиятини юксалтириш зарурати тўғрисидаги ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди².

Жаҳон ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида ички ишлар органлари ходимларининг интеллектуал маданиятини юксалтириш муаммоларига доир бевосита тадқиқот иши олиб борилмаган бўлса-да, ушбу мавзунинг айрим жиҳатлари хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан муайян даражада ўрганилган. Жумладан, интеллектнинг фалсафий томонлари дастлаб Ф. Аквинский, кейинчалик Л. Готтфредсон, Ч. Спирман, Дж. Флинн томонидан фалсафий ва психологик, социологик адабиётларга

² Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.; Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 508 б.; Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.; Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 456 б.; Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – 464 б.

киритилган бўлса, J. Alderson, N. Bayley, N. Bland, T. Charles ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, юксалтириш ва маълум бир соҳаларга йўналтириш масалаларини тадқиқ этганлар³.

Мустақил давлат ҳамдўстлиги олимларидан П. Баранов, В. Каминская, Н. Матузов, А. Матюхин, В. Соловьевлар ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти масалаларининг айрим жиҳатларини тадқиқ этган⁴.

Мамлакатимизда интеллектуал маданиятнинг инсон ҳуқуқлари маданияти таркиби ва ҳуқуқий кадрият сифатидаги мазмуни ва моҳиятига З. Исломов, Х. Маматов Н. Муҳаммадиев, Х. Одилқориев, А. Саидов ва бошқалар ўз тадқиқотларида эътибор қаратганлар⁵. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий этика, ҳуқуқий маданияти ва сиёсий тафаккурининг фалсафий жиҳатлари Б. Тўйчиев, Ш. Мамадалиев ва З. Қодирова, Н. Дусановлар томонидан алоҳида тадқиқ этилган⁶.

Юқорида баён этилган тадқиқотларда ички ишлар ходимларининг умумназарий, сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий-маънавий муаммолари ёритилган. Бироқ ички ишлар органлари ходимларида интеллектуал маданиятни юксалтириш омиллари билан боғлиқ муаммолар ижтимоий-фалсафий махсус тадқиқ этилмаганлиги сабабли ушбу диссертацияда ички ишлар ходимларининг интеллектуал маданиятининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиқ беришга диққат қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация “Ипак йўли” туризм халқаро университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда туризм маданиятини ривожлантиришнинг инновацион усулларини такомиллаштириш” (2017-2021 йй.) илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

³ Бандуровский К.В. Сумма теологии. – Москва: АСТ, 2019. – 320 с.; Gottfredson Linda S. Intelligence: Is It the Epidemiologists' Elusive “Fundamental Cause” of Social Class Inequalities in Health? // Journal of Personality and Social Psychology 2004, Vol. 86, No. 1, -PP.174–199; Alderson J., Human Right Policc. Strasbourg, Council of Europe, 1994; Bayley N. D. Community Policing: Evaluation Programs. Civilian Police Division, Department of Peacekeeping Operations, United Nations, 2005; Bland N. Measuring Public Expectations of Policing: An Evaluation of Gap Analysis (Polic Research Series Paper 24), Charles T. Challenges in Police Reform: Promoting Effectiveness and Accountability. Policy Report. International Peace Academy, New York, 2003;

⁴ Баранов П.П. Правосознание и правовое воспитание. – Новгород, 1993. – 443 с.; Каминская В.И. Правосознание как элемент правовой культуры // Правовая культура и вопросы правового воспитания. – Москва, 1974. – 178 с.; Матузов Н. Правовой нигилизм и правовой идеализм // Теория государства и права. Курс лекций. – Москва, 2001. – 455 с.; Матюхин А.А. Государство в сфере права: институциональный подход. – Алматы, 2000. – 596 с.; Соловьев В.Ю. Правовой нигилизм и гуманитарный смысл права // Квинтэссенция. Философский альманах. – Москва, 1990. – С. 8–10.

⁵ Исломов З.М. Инсон ҳуқуқлари маданияти: тушунча, мазмуни ва шакллари // Фуқаролик жамияти. – 2009. – № 4. – Б. 27–29.; Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. – Тошкент, 2009. – 256 б.; Муҳаммадиев Н.Э. Ички ишлар органлари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. – Тошкент, 1998. – 287 б.; Одилқориев Х.Т. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти / Аёл ва ҳуқуқий маданият. – Тошкент, 1999. – 104 б.; Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Тошкент, 2006. – 400 б.;

⁶ Тўйчиев Б. Политическая культура и демократизация общества. -Ташкент: НУУз, 2010. – 187 с.; Мамадалиев Ш. ва бошқ. Демократия: Илмий изохли луғат. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2012. – 150 б.; Кадырова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи в условиях всестороннего реформирования общества. Автореф. дис. ...докт. филос. наук. – Ташкент, 2000.;

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб беришдан иборат..

Тадқиқотнинг вазифалари:

“ички ишлар ходимлари интеллектуал маданияти” тушунчасининг фалсафий мазмуни, ижтимоий аҳамияти, тарихий ва замонавий хусусиятлари, таснифларини тузиш асосида унинг категориал аппаратини шакллантириш;

жамият маънавий-ахлоқий ва интеллектуал эҳтиёжлари, манфаатлари тизимининг ички ишлар ходимлари фаолиятида намоён бўлиш хусусиятларини очиб бериш;

ривожланган мамлакатлар ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтириш борасидаги тажрибаларининг мазкур тизим субъектлари фаолияти самарадорлигини таъминлашдаги ролини аниқлаш;

мамлакатимиз ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришда ахлоқий қадриятларнинг роли, ғоявий тарбия воситалари ҳамда мафкуравий иммунитетнинг аҳамиятини тадқиқ этиш;

ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтириш стратегиясининг хусусиятлари, ушбу йўналишда махсус концепция яратиш долзарблигини асослаш;

Ўзбекистонда ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтириш бўйича тадқиқотларнинг истиқболли йўналишлари, самарали усул ва воситаларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришнинг институционал тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, комплекс ёндашув, тизимли-функционал ёндашув, контент анализ, диалектик, синергетик, қиёсий таҳлил каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятининг юқори даражада мослашувчанлик, янгилекларни тез ўзлаштириш каби мезонлари, адолат ва халқпарварлик каби тарихий, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳамда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш каби замонавий хусусиятлари, инновацион фаолиятнинг гносеологик (билишга оид) ва эпистимологик (ҳақиқатни англаш) фалсафий категориал асосларини аниқлашга қаратилган услубий жараён ишлаб чиқилган;

ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятининг ривожланишида физиологик ва руҳий ҳолат каби табиий ҳамда салоҳиятни намоён қилиш, имкониятлар тенглиги каби ижтимоий детерминантларнинг уйғунлашуви тизим ходимлари имиджининг мезонлари сифатида белгиланганлиги сабабли

асосий баҳоловчи омил сифатида жараёни рационал идрок этиш ва такомиллаштириш имконини бериши фалсафий жиҳатдан аниқланган;

ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришнинг ўз билимини такомиллаштириш ва илмий билимлар билан қуролланиш каби ички ҳамда ташқи кўриниш ва киришимлилиқ каби ташқи динамикаси, унда амалга ошириладиган интеллектуал ёндашув ва интеллектуал маданиятнинг сегментацияси (ажратилиши), маънавий-ахлоқий ва интеллектуал маданият аккумуляцияси (қўшилиши) асослаб берилган;

ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришга қаратилган ташкилий парадигмадаги профилактикада тезкорлик, ҳамкорликни ташкил этишнинг самарали тизимини яратиш, халқ манфаатларига хизмат қилиш каби ўзгаришлар тизими, ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланишнинг объектив ва субъектив қонуниятларининг ментал хусусиятлар нисбати мантиқий далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-маданий аҳамияти ва бу фаолиятни ривожлантиришга қаратилган кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

интеллектуал маданият ижтимоий муҳит, ички ишлар органлари ходимлари индивидуал олами, унинг маънавий, ахлоқий ва эстетик фазилатларини юксалтирувчи муҳим омил эканлиги асосланган;

Ўзбекистонда ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтириш механизмлари, самарали йўллари ва воситалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-фалсафий манбалардан олинганлиги, анализ ва синтез, ретроспектив, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик ва синергетик таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда ички ишлар ходимларини интеллектуал маданиятининг юксалтиришга қаратилган замонавий тадқиқотлар олиб бориш, инновацион ёндашувларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан бойитиш, ишлаб чиқилган категориал тушунчалар асосида келгусида илмий-тадқиқот ва педагогик фаолият мазмунини такомиллаштиришда, фалсафа, психология, социология, политология фанларининг интеллектуал маданиятни юксалтириш, ижтимоий тараққиётга ижобий таъсири бўйича мавзуларни бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасаруфидаги таълим муассасалари, Республика

Маънавият ва маърифат маркази ва турли ижтимоий институтларнинг интеллектуал маданиятни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, “Ўзбекистонда 2022-2032 йилларга мўлжалланган маънавий тараққиёт стратегияси”ни ишлаб чиқишга қаратилган ишларида қўлланилиши мумкинлиги, шунингдек олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан ўтиладиган назарий ва амалий машғулотлар мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ички ишлар ходимларини интеллектуал маданиятининг юксалтиришга доир фалсафий-концептуал хулосалар ва илгари сурилган илмий янгиликлардан:

ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятининг юқори даражада мослашувчанлик, янгиликларни тез ўзлаштириш каби мезонлари, адолат ва халқпарварлик каби тарихий ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳамда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш каби замонавий хусусиятлари, инновацион фаолиятнинг гносеологик (билишга оид) ва эпистимологик (ҳақиқатни англаш) фалсафий категориал асосларини аниқлашга қаратилган услубий воситалар ва унга доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ПЗ-20170928696-рақамли “Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси (Ҳаракатлар стратегияси асосида)” (2017-2020 йй) амалий тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 16 октябрдаги 04/11-6582-сон маълумотномаси). Натижада, амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришга, уни янада такомиллаштиришга ва Ўзбекистонда ички ишлар ходимларини интеллектуал маданиятини юксалтириш стратегиясининг хусусиятлари, ушбу йуналишда махсус концепция яратиш эҳтиёжи ва миллий маънавият, миллий ғоя каби омиллар заруратини асослашга хизмат қилган;

ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятининг ривожланишида физиологик ва руҳий ҳолат каби табиий ҳамда салоҳиятни намоён қилиш, имкониятлар тенглиги каби ижтимоий детерминантларнинг уйғунлашуви тизим ходимлари имижининг мезонлари сифатида белгиланганлиги сабабли асосий баҳоловчи омил сифатида бу жараённи рационал идрок этиш ва такомиллаштириш имконини беришига доир умумлашган хулоса ва тавсиялардан “Юридик психология” ўқув қўлланмасининг “Муомала ва ижтимоий гуруҳларда шахслараро муносабат; Шахснинг ижтимоий мослашган дунёқараши психологияси; Гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчи ва гумон қилинувчи шахслардан керакли бўлган маълумотни олишнинг психологик хусусиятлари; Шахсни ўрганиш чизмаси” мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд давлат университетининг 2021 йил 4 ноябрдаги 10-4390-сон маълумотномаси). Натижада, нашр этилган ўқув қўллангани илмий жиҳатдан такомиллаштиришга ва соҳада кузатиладиган зиддиятли ҳолатлар, манфаатлар, майллар тўқнашуви каби вазиятларда масъул ходимларнинг интеллектуал маданияти даражаси муаммосини

ечишда муҳим факторлардан бири сифатида баҳоланган ҳамда мазмунан бойишига хизмат қилган;

ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришнинг ўз билимини такомиллаштириш ва илмий билимлар билан қуролланиш каби ички ҳамда ташқи кўриниш ва киришимлилик каби ташқи динамикаси, унда амалга ошириладиган интеллектуал ёндашув ва интеллектуал маданиятнинг сегментацияси (ажратилиши), маънавий-ахлоқий ва интеллектуал маданият аккумуляцияси (кўшилиши)га оид хулосалар ва таклифлардан Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармасининг 2021 йил режаси 3-банди “Шахсий таркиб билан ишлаш, касбий ва жанговар тайёргарлигини ошириш, хизмат интизомини ва қонуничиликни мустаҳкамлаш” бўлими, 3.2-банди “Ҳар бир ходимнинг ҳуқуқий билим савияси ва касб маҳоратини ошириш мақсадида миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари бўйича ҳамда сиёсий-ижтимоий, хизмат ва жанговар тайёргарлик бўйича ўқув машғулотларини ўтказиб бориш” бандлари ижросини таъминлашда, “Демократик ислохотлар – тараққиёт гарови” давра суҳбатини ўтказишда, “Ички ишлар ходимларини интеллектуал салоҳиятини ошириш имкониятлари” мавзусидаги семинар-тренингни ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармасининг 2021 йил 27 октябрдаги 2/4400-сон маълумотномаси). Натижада, ички ишлар органлари ходимларини интеллектуал маданиятини юксалтириш, шу соҳада олиб бораётган фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтиришга қаратилган ташкилий парадигмадаги профилактикада тезкорлик, ҳамкорликни ташкил этишнинг самарали тизимини яратиш, халқ манфаатларига хизмат қилиш каби ўзгаришлар тизими, ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланишнинг объектив ва субъектив қонуниятларининг ментал хусусиятлар нисбатига оид илмий хулоса ва умумлашмалардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 27 октябрь куни эфирга узатилган “Эътироф” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 1 ноябрдаги 01-11/533-сон маълумотномаси). Натижада, аҳолининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ички ишлар ходимларининг интеллектуал маданиятини оширишга қаратилган илмий-маърифий кўрсатувларнинг мазмунан бойишига, томошабинлар маънавий камолотини таъминлашга, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни халқ онгига сингдиришга хизмат қилган..

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп

этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та илмий мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини ўрганишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган бўлиб, унда ички ишлар ходимлари интеллектуал маданияти – ижтимоий-фалсафий тадқиқот объекти сифатида олиб қаралади ҳамда жамият маънавий-ахлоқий ва интеллектуал эҳтиёжлари, манфаатлари тизимининг ички ишлар ходимлари фаолиятида намоён бўлиши тадқиқ этилган.

Ижтимоий-фалсафий адабиётларда “интелект” сўзи лотинча “ақл”, “тафаккур” маъносини англатиши алоҳида таъкидлаб ўтилади. Интелект инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб туради. Диссертацияда интелект соҳасидаги фалсафий ва хусусий илмий изланишлар тадқиқи унинг мураккаб, кўпқиррали, ўз тузилмаси ва вазифаларига кўра кўп сифатли хосила эканлиги таъкидланади. Масалан, инсоннинг олам билан ўзаро муносабати интелектнинг онтологик, гнесеологик, праксеологик нуқтаи-назардан ўрганилади. Онтологик маънода интелект муаммоси моддий субстратни ҳамда субъектив реаллик сифатидаги идеал табиатини кўриб чиқиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Диссертант фикрича интелект тузилмаси унинг вазифаларида ифодаланади. Интелектнинг ўрганувчи, мақсад белгиловчи, ҳис этиш, коммуникатив-бошқариш ва яратувчанлик вазифалари бунга мисол бўла олади. Интелект муаммоси ижтимоий-фалсафий жиҳатдан инсоннинг оламдаги ўрни ва ролини, уни ўраб турган воқелик билан ўзаро муносабатларининг ўзига хослигини белгилашни назарда тутди. Интелект муаммосига турли ёндашувларнинг умумий моҳияти – инсоннинг воқелик билан ўзаро ҳаракатини йўлга солиш ва бошқаришнинг ўзига хос инсоний шакли сифатида намоён бўлади. Интелект табиатини бундай тушуниш нафақат ижтимоий фалсафа, балки социология, психология, тилшунослик, педагогика, олий нерв фаолияти физиологияси, ҳозиги вақтда эса семиотика,

кибернетика, информатика фанлари тадқиқотининг мавзусига айланаётган масалаларнинг ўта кенг соҳасини назарда тутди.

Диссертацияда интеллект – мураккаб тизимли хосила, турли-туман жараёнлар – фикрлаш, ҳис этиш, шунингдек тасаввур қилиш, ичдан ҳис этиш, ёдга олиш сингари жараёнларнинг мажмуи бўлиб, булар унинг боғлиқлиги ва ўзаро мувофиқлашганлигини ҳисобига эришилиши келтирилади. Интеллектнинг йўналтирилганлигини унинг мавзуси, мақсади, мазмуни воситалари, шакллари, шароитлари ва бошқаларда кўриш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, интеллект доимо ҳаётни унинг ҳар қандай кўринишларида англашдан иборатдир.

Тадқиқотда интеллектнинг ижтимоий-амалий табиати жамият тараққиётининг замонавий босқичида маданият шакллари орқали намоён бўлиши асослаб берилган. Алоҳида инсон интеллектуал фикрлаш салоҳиятига эга бўлиши учун у ижтимоийлашувдан ўтиши, яъни у болалигидан ижтимоий муносабатлар тизимида кириши ҳамда бу тизимнинг талаблари ҳамда меъёрларига мос равишда ривожланши лозим. Диссертант фикрича, интеллектуалларнинг ўзи турли маданият даражасида ривожланган бўлишлари мумкин. Масалан, агар инсонда моддий буюмларга, қулайлик, манфаат эҳтиёжлари устун бўлса демак, табиийки унга маданиятнинг қуйи даражаси хос бўлади. Чунки унга борлиқни фаровонлаштириш ўрнига шахсий қизиқишлар муҳимроқ. Шу маънода “интеллектуал маданият” бу – ҳар бир инсоннинг ўзига хос интеллектуал салоҳиятига таъсир этувчи, ички ва ташқи ижодий омилларни инсон фаолиятида ёрқин намоён бўлишидир.

Интеллектуал маданият – шахс, жамият ва давлатнинг интеллектуал ҳамда маданий қадриятлари, маданий мероси ва интеллектуал мулкнинг авлоддан авлодга ўтишидир. Шахснинг интеллектуал маданияти ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги ақлий муносабат, ўзига хос сезгирлик, олиндиған натижаларни олдиндан кўра билиш, ижодий рефлексияни қамраб олади. Шахснинг интеллектуал маданияти унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, интеллектуал фаолият турларида яққол намоён бўлади.

Турли хил низоларнинг кескинлашиши, жамият аъзолари орасида тоқат қилмаслик ва тажовузкорликни кучайиши, ҳаётнинг одатий шаклларини йўқ қилиш ва ўзгариш даврининг бошқа атрибутлари ички ишлар органлари ходимларининг шахсий ва касбий хусусиятларига талабларни кучайтиради. Шу билан бирга, уларнинг иш сифатини маълум бир жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятларидан ва у ерда аҳоли ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари ўртасидаги муносабатларда шаклланган анъаналардан келиб чиқиб, ўз-ўзидан баҳолаш мумкин эмас. Ижтимоий-фалсафий адабиётларда ички ишлар ходимлари интеллектуал маданияти тушунчасининг муаммоли соҳасини ўрганиш шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштира оладиган ходимларни шакллантиришга қаратилган ҳолатларни чуқур ўрганишга имкон беради. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги касбий муаммоларни ижодий ҳал қилишга қодир бўлган ижодий фикрлайдиган ички ишлар ходимларига катта талаб

мавжуд. Бу фақат фан ва таълимнинг мазмун ва моҳиятини, унинг хилма-хил йўналишларини, шунингдек, ички ишлар ходимларининг интеллектуал салоҳияти ва бу фаолиятнинг афзалликларини ўрганиш жараёнида қурилган аниқ ва тизимли билимлар асосида амалга оширилади.

Касбий фаолият жараёнида зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва конструктив равишда ҳал қилиш, ташаббус кўрсатиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари билан органлар, маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари, шаҳар аҳолини ҳимоя қилиш органлари буюртма, меҳнат жамоалари, фуқаролар, хавфли вазиятларда, белгиланган иш майдони учун жавобгарликни англаб, кундалик фаолиятда ва ностандарт вазиятларда мақбул ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳам устувор аҳамият касб этади .

Диссертант интеллектуал маданият тушунчасига муаллифлик таърифини: “Интеллектуал маданият бу – жамиятда ақлий меҳнат эгаларини ҳимоя қилиш даражаси, ақлий меҳнат эгаларининг маҳсули бўлган интеллектуал мулкдан оқилона фойдаланишдир” тарзида ифодалайди. Шунингдек, интеллектуал маданият бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос интеллектуал салоҳият сифати, ривожини ва фаолиятининг намоён бўлиш шаклидир.

Ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини тизимли таҳлил қилишда моделлаштириш усулидан самарали фойдаланиш қуйидаги вазибаларни ҳал этиш имконини беради:

1. Ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини ўрганиш мақсадида ишлаб чиқилган моделлар ўрганилаётган жараёнларни моделлаштириш нуқтаи назаридан изчил бўлиши, кўпроқ умумий характердаги моделларга киритилиши ва шу билан бирга маълум моделларни батафсил баён қилиш зарур бўлганда асос бўлиб хизмат қилиши керак.

2. Ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини ўрганиш модели ҳақиқий билим ва бу фаолиятнинг муҳим фазилатларини етарли даражада акс эттириши керак.

3. Ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини таҳлил қилишда рационал моделлар нафақат аниқ белгиланган функцияларни бажаради, балки тадқиқ қилинаётган жараёнларнинг ўзига хос тузилиши, бунда инсоннинг янги билимларга эга бўлишига муносиб шарт-шароит яратади.

Диссертант ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятини рационал баҳолаш ва унинг ишончлилик даражасини оширишда корреляция, кластер ва факториал ёндашувлар билан бир қаторда, эмпирик маълумотларнинг регрессия асосида таҳлилдан ўтказиш долзарблигини қайд этади. Бундай рационал таҳлилнинг афзаллиги шундан иборатки, ички ишлар идоралари ходимлари ўртасидаги кўп сонли муносабатларни ҳолисона текширишга кенг имкон беради. Унинг интеграл кўрсаткичини эса ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтириш бўйича ишлаб чиқилган барча тадқиқот процедураларининг мақсадга мувофиқлиги ва изчиллигини таъминлайди.

Илмий тадқиқот натижаларига кўра ички ишлар ходими касбий фаолиятининг ахлоқийлик тамойили – бу қонунийлик принципи бўлиб, ҳар бир соҳа ходимининг қонунларни тан олинишини ва унинг расмий фаолиятида бажарилиши мажбуриятини белгилайди. Маълумки, замонавий фуқаролик жамияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан, шу жумладан коррупцияга йўл қўймаслик, ўз бурч ва масъулиятини чуқур ҳис қилиш, касбий фаолиятдаги очиқликни талаб қилади. Уларнинг ижобий профессионал обрў-эътибори жамиятда ички ишларга бўлган ишонч муҳитини шакллантиргандагина янада ошади, чунки жамоатчиликнинг ички ишларга бўлган ишончини ошириш бу тизим фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ҳозирги даврда ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтириш омиллари”** деб номланган бўлиб, унда ички ишлар ходимларининг интеллектуал маданиятини юксалтиришда фан, таълим ва технология уйғунлиги шунингдек, ички ишлар ходимлари касбий фаолиятини юксалтиришнинг интеллектуал механизмлари ва уларни такомиллаштириш муаммолари фалсафий таҳлил этилган.

Миллий таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг асосий стратегик йўналишларидан бири бўлиб, шу асосда фан ва таълимни ривожлантириш, табиий ва аниқ фанларни ўрганиш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, инсон ижодий интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш ва жамиятда илмий тилнинг устуворлигини таъминлаш мумкин.

Диссертацияда ички ишлар органи ходимларининг интеллектуал ривожланиш ва ўзини ўзи англаш мотивлари, интеллектуал муаммоларни ҳал қилиш учун мазмун-фаоллик тайёргарлиги, шунингдек, интеллектуал ривожланиш жараёнида ижодий қобилиятларни амалга оширишнинг дастлабки кўрсаткичлари аниқланган ва хулосалар ишлаб чиқилган. Бу жараёнда паст кўрсаткичларнинг ички ишлар органи ходимларининг билим олиш ва кўникмаларни шакллантириш фаолиятида интеллектуал маданиятини шакллантиришга йўналтирилган фанларнинг етарли даражада ўтилмаслиги; назария ва амалиёт яхлитлигининг тизимли тартибда ташкил этилмаганлиги ва реал вазиятдан келиб чиқиб хулоса чиқариш ва ҳолатни объектив баҳолаш малакасининг йўқлиги сабаблари аниқланган.

Тадқиқот натижаларидан аксарият ички ишлар органи ходимлари фақатгина касбий фаолият билан машғул бўлиши, интеллектуал жиҳатдан тўлиқ фойдаланилмаслиги аниқланган. Ички ишлар ходимларини интеллектуал маданиятининг юксалтиришга унинг ўзига хос динамикаси ва ҳаракатчанлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам бу тизимда катта ижобий натижаларга эришиш мақсадида фан, таълим ва технология соҳасидаги мавжуд тажрибадан самарали фойдаланиш касбий фаолият билан боғлиқ янги муносабатларда реал дунёдаги объектлар ва ходисаларни тезкор ўрганиш, стереотипларни йўқ қилишга катта ёрдам беради. Интеллектуал маданият – бу муайян илмий далиллар ва қонунларни

ўз вақтида қўллаш билан бир қаторда қизгин муҳокамалар ва илмий хулосаларнинг асослилигини таъминлайди.

Диссертант фикрича ички ишлар ходимлари касбий фаолиятида интеллектуал кўникма ва қобилиятларни шакллантириш муҳим ва номуҳим вазифаларни фарқлай олишдаги фаол ҳатти-ҳаракатлар айнан уларнинг интеллектуал маданият даражаси билан белгиланади. Ички ишлар ходимининг интеллектуал салоҳияти даражаси асосан икки гуруҳга бўлинади:

- интеллектуал фазилат – ҳаётий, илмий ва касбий фаолият асосида олинган билимлар ва тажрибалар асосида шаклланадиган маънавий-ахлоқий ҳодиса ҳисобланади.

- ички ишлар ходимининг интеллектуал ривожланиши – бу касбий фаолияти билан боғлиқ турли муаммоларни ҳал қилишда ақл имкониятларидан самарали фойдаланиш қобилиятидир.

Тадқиқот ишида ички ишлар органи ходими интеллектуал маданияти таркибида олиб борилган таҳлиллар асосида ўзаро диалектик алоқадорликда бўлган қуйидаги таркибий қисмлар аниқланган:

- эҳтиёж-мотивацион компонент – ходим шахсининг йўналишини, унинг касбий фаолият қизиқишлари доирасини ва когнитив доминантларни, кадриятлар тизимини белгилайди, бу эса уни амалга оширишга имкон берадиган турли даражадаги интенсивлик ва самарадорликка эга бўлган интеллектуал импулсларни пайдо қилади;

- когнитив таркибий қисм – ходимнинг касбий фаолият бўйича интеллектуал қобилиятлари сифатини ва фикрлаш маданиятининг баъзи жиҳатларини шакллантиришни аниқлайди: ходимда билим ва тажрибанинг ривожланиши, таҳлил қилиш ва синтез қилиш, тоифаларга ажратиш ва мавҳумлаштириш, умумлаштириш ва таснифлаш кўникмаларининг мавжудлиги бу ахборот оқимида ҳаракат қилиш қобилияти ва уни қайта ишлашнинг индивидуал хусусиятларини ўзи ичига қамраб олади;

- ташкилий-фаолият компоненти – тадқиқот ва ижодий фаолиятни ташкил этиш усулларига эгаллигини, унинг натижаларини қайд этиш ва расмийлаштириш, нутқнинг сифатини ва интеллектуал ютуқларнинг моҳиятини ифода этиш қобилиятини, ўз позицияси учун баҳслашишга ундайди;

- эргономик компонент – ички ишлар ходимларининг интеллектуал фаолиятни оқилона ташкил этиш бўйича билим ва кўникмаларини тақсимлаш ва самарасиз ишларнинг олдини олиш қобилиятини, ишни интеллектуал тарзда ташкил этиш ва минимал ҳаражат билан максимал натижаларга эришиш учун эргономик талабларни белгилайди.

Ички ишлар органлари ходимининг шахси ўзига хос субъектив муносабатлар маҳсули бўлиб, улар доимо жамият, унинг ижтимоий тизими ва ижтимоий-сиёсий институтларининг ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ҳолда ҳам интеллектуал ҳам касбий маданиятини юксалтириб боради. Ички ишлар органлари ходимининг шахси жамиятдаги ўзаро

муносабатларни барқарорлаштиришда ўзига хос ўрин тутди. Чунки инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлиги, бурч ва масъулият, ҳуқуқий онг, лаёқат ва мақоми бу тизим вакилининг интеллектуал ва касбий фаолиятида яққол намоён бўлади. Ушбу маънавий-ахлоқий ва интеллектуал омиллар унинг бутун хизмати давомида, оператив ва ўз хизмат вазифаларини ҳал қилиш жараёнида шаклланади.

Ички ишлар ходимлари обрўсининг ўз-ўзидан пасайиб кетишга йўл қўймаслик учун мақсадли чораларни ишлаб чиқиш ва уларнинг обрўси тўғрисида етарлича жамоатчилик фикрини шакллантириш учун билвосита ва тўғридан-тўғри ҳаракатларни қўллаш зарур. Ушбу соҳадаги асосий истиқболли йўналишлар қуйидагилар:

- ички ишлар органи ходимларининг касбий маҳоратини, уларнинг фаоллиги ва шахсий фазилатларини ривожлантириш;
- давлат хизматчилари касбий фаолиятининг қатъий ахлоқий стандартларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга уриниш;
- ижобий образни шакллантириш усули сифатида оммавий ахборот воситалари ва коммуникациялардан мақсадли фойдаланиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Диссертант ижтимоий интеллект – бу инсоннинг кундалик ҳаёт тажрибаси, турли шахсларни тушуниш, муваффақият ва муваффақиятсизликлардан тўғри ҳамда оқилона сабоқ чиқаришдир, - дея қайд этади. Ижтимоий интеллект келажак учун қарор қабул қилишга ёрдам беради. Агар инсон ижтимоий жиҳатдан ақлли бўлса, у ҳушёр бўлиши, келажакдаги натижаларни осонгина англаши ва тезкор ҳаракат қила олади. Шу боисдан ҳам ижтимоий интеллектнинг тўртта принципи алоҳида қайд этилади:

1. Бошқаларга ҳурмат;
2. Турли қарашларни ҳурмат қилиш;
3. Хулқ-атворни тушуниш;
4. Самарали қарор қабул қилиш.

Ижтимоий интеллект ҳам, ҳиссий интеллект ҳам кучли иродага эга бўлиши керак бўлган беқиёс ваколатлардир. Ижтимоий интеллектнинг эмоционал интеллектдан асосий фарқи шундаки, ижтимоий интеллект инсоннинг бошқалар билан мулоқот қилиш қобилияти, эмоционал интеллект эса инсоннинг ўз ҳис-туйғуларини ва бошқаларнинг ҳис-туйғуларини тан олиш қобилиятидир.

Тадқиқот ишида ички ишлар ходими ижтимоий интеллектини ривожлантириш жараёнининг мураккаблиги қуйидагилар билан боғлиқлиги келтирилган: мантиқий фикрлаш ва феноменал хотира; мантиқий фикрлаш ва образли хотира; оғзаки ва ёзма фикрлаш; амалий фикрлаш, хотира ва диққат-эътибор ва бошқалар шулар жумласидандир. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан маълум бўладики, бугунги кунда ички ишлар ходими ижтимоий интеллектини такомиллаштириш муамосини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Зеро, рационал фалсафанинг инсон

ижтимоий интеллект муаммосини ўрганишда замонавий илмий-амалий талабларни шакллантириш ҳамда стратегик ривожланишга катта илмий ҳисса қўшиш имконияти мавжуд. Зеро, бугунги кунда инсоннинг интеллектуал салоҳиятини сунъий интеллект орқали ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун дунё хайратланарли даражадаги илмий-техникавий инқилобга гувоҳ бўлмоқда. Бу ҳолат нафақат инсон ҳаётига, балки кўплаб ижтимоий-маданий омилларга боғлиқ ҳолда амалга ошмоқда. Ҳар ҳолда инсон ақл-заковати (тафаккур, онг, ақл, донолик, билим, истеъдод) бугунги ҳаётнинг таянчи бўлиб, у юрт келажаги ва хавфсизлигининг муҳим таянчи бўлган ички ишлар ходимларининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришнинг муҳим шартига айланмоқда.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистонда ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятини юксалтириш стратегияси”** деб номланган бўлиб, унда ички ишлар ходимларида мутолаа маданияти ва интеллектуал салоҳиятни юксалтиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий ва сиёсий онгнинг ички ишлар ходимлари интеллектуал маданиятни юксалтиришдаги аҳамияти ҳамда Ўзбекистонда ички ишлар ходимлари маънавий-ахлоқий дунёқараши ва интеллектуал фаолиятини юксалтиришнинг истиқболли йўналишлари ижтимоий-фалсафий таҳлил этилган.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янги босқичга олиб чиқишда барча соҳалар каби ички ишлар ходимларини таёрлашда ҳам янги илмий ёндашувлардан фойдаланилмоқда. Бу соҳани ривожлантириш учун замонавий ахборот технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш натижасида ўқиш маданияти ахборот маданиятининг ажралмас қисмига айланмоқда. Бугун назария ва амалиётни уйғунлаштириш орқали жамиятдаги долзарб муаммоларни бартараф этиш мумкин. Шундай экан, “Глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши нафақат инсоният имкониятларини кенгайтирмоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолоқ давлатлар ўртасида тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда”⁷.

